
Туман ҳоқими кузги шудгорлаш ишларига тайёргарликни кўздан кечирди

Бағдод туманида 2023 йил ҳосили учун 7 минг 373 гектар майдонда кузги шудгорлаш ишлари олиб борилиши белгиланган. Бунинг учун 9 та отряд ташкил этилиб, уларга 27 та юқори унумли ҳайдов тракторлари бириктирилган. Шунингдек, ҳар бир отряд учун кўчма дам олиш хоналари тайёрланмоқда.

Бугун туман ҳоқими Юсуфжон Хусаинов “Истиқлол” пахта қилиш пунктида бўлиб, шудгорлаш ишларига тайёргарлик кўриш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни кўздан кечирди ҳамда мавсумни юқори уюшқоқлик билан ўтказиш, белгиланган агротехник тадбирларни оптимал муддатларда сифатли амалга ошириш юзасидан масъулларга топшириқлар берди.

Бағдод тумани ҳоқимлиги Ахборот хизмати.

2022-10-31 17:39:44